

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1139-ҳадис

1139 – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُعَقَّلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلُّوا قَبْلَ الْمَغْرِبِ» قَالَ فِي الثَّلَاثَةِ: «لِمَنْ شَاءَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [1183].

1139. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шом намозидан олдин намоз ўқинглар», дедилар. Учунчисида (одамлар доимий суннат қилиб олишини истамаганларидан), «Хоҳлаган киши учун», деб қўйдилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Айрим мазҳабларда шом намозига азон айтилгач, фарз намозидан аввал нафл намоз ўқиш мустаҳаб, бироқ ҳанафий ва моликий мазҳабларида шом намозининг кечикиши эҳтимоли борлиги сабабли макруҳдир. Бу ҳақдаги далиллардан бири – Абу Довуднинг Товусдан ривоят қилган ҳадисида шундай дейилган: «Ибн Умар розияллоҳу анҳудан шом намозидан олдинги икки рақъат ҳақида сўралган эди, у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларда бирор кишининг буни ўқиётганини кўрмадим»,

Абу Довуд қилган бошқа бир ривоятда:

«Шомдан олдин икки ракат намоз ўқинглар», дейилган.

Бу ҳадиснинг ҳукми таъкидланмаган суннат эканини англатмоқда.

Ҳанбалий мазҳаби ҳақиқатан ушбу ҳадисни суннат қилиб олган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Уларнинг бугунги кунги вакиллари доимий

равишда Шомдан олдинги икки ракат намозни ўқишади. Шунинг учун ҳарами шарифга борган кишилар бу ҳолни кўриб ҳайрон бўлишлари керак эмас. Шофеъий мазҳабида бу намозни ўқиш ҳақида сўз борса ҳам уларнинг ўқишлари унча мулоҳаза қилинмайди.

Моликий мазҳаби эса вақт қисқалиги учун бу намозни ўқиш макруҳ, деганлар. Афтидан уларга ушбу ҳадис саҳиҳ равишда етиб бормаган бўлса керак.

Манба: hadis.islom.uz

